

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш соҳасида муҳим ташкилий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилди. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, жамиятда коррупцияга муросасиз муносабатни шакллантиришга йўналтирилган тизимли чоралар кўрилди.

Ислоҳотларни амалга ошириш доирасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини, жамоат ва парламент назоратини таъминлаш механизмлари такомиллаштирилди, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ислоҳ қилинди.

Шу билан бирга, иқтисодийтни янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш, мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилаш борасидаги стратегик вазифаларни ҳал этиш коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш ҳамда коррупция кўринишларининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича янги тизимли чоралар кўрилишини тақозо қилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг халқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ:

1. Қуйидагилар:

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) **1-иловага** мувофиқ;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси (кейинги ўринларда — Идоралараро комиссия)нинг янгиланган таркиби **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар икки ой муддатда Давлат дастурининг ҳар бир банди бўйича мақсадларга эришишда самарадорлик индикаторларини ишлаб чиқсин ва Идоралараро комиссия билан келишиб олсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарида коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталар ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Идоралараро комиссия икки ой муддатда коррупцияга қарши курашиш бўйича намунавий тадбирларнинг идоравий дастурини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига муҳокама қилиш ва келишиш учун киритсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари кенгашлари, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашларининг таркибида коррупцияга қарши курашиш комиссияларини ташкил этиш тавсия қилинсин, уларнинг зиммасига:

жойларда коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ишларнинг ҳолатини комплекс ўрганиш;

жойларда коррупция кўринишлари намоён бўлишига олиб келадиган тизимли муаммолар ва коррупциянинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари бўйича қўмиталарига ушбу соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритган ҳолда мунтазам равишда ахборот бериб бориш функциялари юклансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

а) коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истиқболда қуйидагилардан иборат:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар, тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

б) идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

5. Белгилансинки:

а) 2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат органлари зиммага юкланган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупция хавф-хатарларини вақти-вақти билан мажбурий баҳолаб боради, унинг яқунлари бўйича:

коррупция хавф-хатарига энг кўп дуч келадиган давлат хизматчиларининг фаолият соҳалари ва лавозимлари, шунингдек, уларнинг функциялари (ваколатлари)нинг рўйхатини шакллантиради;

идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурлари ижросининг ҳар чораклик мониторингини амалга оширади ва коррупциявий хавф-хатарларни минимум даражага тушириш чораларини кўради;

Идоралараро комиссия билан келишган ҳолда ҳар йилги идоравий коррупцияга қарши курашиш дастурларини тасдиқлайди;

ҳар йили Идоралараро комиссияга тегишли органлар ва ташкилотлар фаолиятида, шу жумладан, қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш орқали коррупция хавф-хатарларига барҳам бериш бўйича таклифларни киритади;

б) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқламаганликлари ва тегишли баҳо бермаганликлари, шунингдек, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни такроран содир этиш ҳолатларига йўл қўйганликлари юзасидан шахсан жавобгар бўлади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда:

ёшларга коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқий таълим бериш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб татбиқ этсин;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларида коррупцияга қарши мавзулар янада кучайтирилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда, шу жумладан техник инфратузилмани ва зарур дастурий таъминотни яратишга оид зарурий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутган ҳолда муайян тоифадаги давлат хизматчиларининг мулки ва даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Идоралараро комиссия (Н.Т. Йўлдошев):

2019 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тариқасида, жамоатчилик ва етакчи экспертларни, шу жумладан хорижий экспертларни жалб этган ҳолда дастлабки босқичда капитал қурилиш ва олий таълим соҳаларида «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга оширишни ташкил этсин, 2020 йил 1 апрелдан бошлаб лойиҳани бошқа соҳаларга ҳам босқичма-босқич жорий этсин;

ҳар йили 1 апрелга қадар тегишли соҳаларда «Коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга ошириш якунлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритсин.

9. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар Давлат дастурининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида ҳар чоракда Идоралараро комиссияга ахборот киритилишини таъминласин.

10. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда — Махсус комиссия) 3-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

11. Қуйидагилар махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратининг амалий чораларини ва қўлланилаётган ҳуқуқий механизмларнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш;

коррупцияга ва бошқа жиноятларга қарши тизимли курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, шу жумладан ички идоравий назоратни амалга оширадиган бўлинмалар фаолиятини танқидий ўрганиш;

коррупцияга қарши курашиш ва мазкур соҳада идоралараро ҳамкорлик қилиш, шунингдек, коррупция кўринишларини содир этиш сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилаётган механизмларни тубдан қайта кўриб чиқиш;

коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назорати соҳасида умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини ўрганиш.

12. Махсус комиссия (З.Ш. Низомиддинов):

а) бир ҳафта муддатда ўрганишнинг тегишли йўналишлари бўйича ишчи гуруҳларнинг таркибларини ҳамда уларнинг иш режаларини тасдиқласин, шунингдек, ишчи гуруҳларнинг самарали фаолиятини ташкил этсин;

б) 2019 йил 1 сентябрга қадар:

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини, шу жумладан умум эътироф этилган халқаро стандартлар ва чет эл ижобий тажрибасини инobatга олган ҳолда ушбу фаолиятни ташкил этиш ва мазкур йўналишдаги функцияларини оптималлаштиришда ягона ёндашувларни жорий этиш орқали тубдан такомиллаштириш бўйича таклифларни;

коррупцияга қарши курашиш соҳасида жамоатчилик назорати механизмларини самарали қўллашга йўналтирилган, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирлар бўйича «Йўл харитаси» лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш;

хуқукни муҳофаза қилувчи органларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдидаги ҳисобдорлиги тартибини такомиллаштириш;
қарорлар қабул қилиш жараёнида фуқаролар иштирокининг шаффоф ва самарали усуллари жорий этиш.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда давлат органлари, шу жумладан маҳаллий органлар томонидан расмий веб-сайтлар ва «ишонч телефонлари»дан улар фаолиятининг очиқлигини ва ахборот олиш имкониятини таъминлаш воситаси сифатида фойдаланишлари устидан доимий мониторингни амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, ушбу Фармоннинг амалга оширилиши учун масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва интернет-ресурсларда, шу жумладан чет эл оммавий ахборот воситаларида кенг кўламдаги ахборот-тарғибот ишларини ташкил этиш чора-тадбирларини доимий асосда амалга ошириб, уларда таниқли олимлар, давлат органлари раҳбарлари ҳамда жамоатчилик вакиллари чикишларини назарда тутсин ҳамда коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича брифинглар, интернет-конференциялар, телевизион кўрсатувларда уларнинг иштирок этишларини таъминласин;

мазкур йўналишда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот бериб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Вазирлик ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

16. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 27 май,
ПФ-5729-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармониغا
1-ИЛОВА

2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш

ДАВЛАТ ДАСТУРИ

| Т/р | Чора-тадбирлар номи | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Масъул ижрочилар |
|--|--|-------------------------|---|---|
| I. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш | | | | |
| 1. | Коррупциянинг хавф-хатарларини таҳлил қилиш асосида, аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш, хусусан: | Чора-тадбирлар режаси | Алоҳида режа-жадвал асосида, 2019 йил 1 июлгача тасдиқлаш | Идоралараро комиссия, Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ИИВ (П. Бобожонов), Бош прокуратура ҳузуридаги |

| | | | |
|---|------------------------------|----------------------------|---|
| <p>мавзули аудио-, видеороликлар, баннерлар, плакатлар ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда фуқароларда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабат, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ хулқни шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида кампанияларни ўтказиш;</p> <p>сўровлар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар асосида коррупцияга қарши курашиш тарғиботи ва таълими бўйича чора-тадбирлар натижалари ва таъсирини мунтазам равишда баҳолаш;</p> <p>ушбу соҳада кейинги чора-тадбирларни амалга оширишда баҳолаш натижаларидан фойдаланиш.</p> | | | <p>Департамент (Д. Рахимов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К. Алламжонов), вазирлик ва идоралар</p> |
| <p>2. Алоҳида мақсадли гуруҳларнинг (давлат хизматчилари, тадбиркорлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва бошқалар) коррупцияга қарши курашиш механизми ва тизими ҳақида ҳуқуқий билими ва хабардорлигини ошириш юзасидан аҳамиятга эга бўлган амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан қуйидагилар орқали:</p> <p>коррупция омилларини аниқлаш, коррупция хавф-хатарларини бошқариш ва уларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирлар кўриш борасида вазирлик ва идоралар вакиллари учун даврий таълим бериш тизимини жорий этиш;</p> <p>давлат органлари фаолиятининг хусусиятларини инобатга олган ҳолда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш</p> | <p>Чора-тадбирлар режаси</p> | <p>2019 йил 15 июлгача</p> | <p>Идоралараро комиссия, вазирлик ва идоралар</p> |

| | | | | |
|----|--|-------------------------|---|---|
| | борасида амалий тавсияларни ишлаб чиқиш; коррупцияга қарши курашиш ва касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш масалалари бўйича махсус ўқув-методик ва бошқа адабиётларни яратиш. | | | |
| 3. | Ёшларда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқараш ва мустаҳкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантирадиган чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан: коррупцияга қарши курашиш мавзусида ижтимоий тадбирларга ёшларни кенг жалб қилиш (клублар, тўғараклар, форум ва бошқалар); олий ўқув юртлари ва ёшларнинг бошқа вакиллари ҳисобидан кўнгиллилар гуруҳларини шакллантириш; ёшлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш мавзусида республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ўтказиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | Алоҳида режа-жадвал асосида, 2019 йил 1 июлгача тасдиқлаш | Идоралараро комиссия, Ёшлар иттифоқи (А. Саъдуллаев), Олий таълим вазирлиги (И. Маджидов), ХТВ (Ш. Шерматов), ТДЮУ (Е. Канъязов), ИИБ Академияси (Б. Матлюбов), Божхона институти (В. Эргашев), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К. Алламжонов), МТРК (А. Хаджаев) |
| 4. | Таълим муассасаларининг ўқув дастурларига коррупцияга қарши курашиш махсус курсларини киритиш, шу жумладан: жамиятда коррупциянинг мавжуд бўлган хавф-хатарлари асосида, ўқув материалларини тайёрлаш учун ягона методологик талабларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; барча таълим муассасалари, шу қаторда давлат хизматчилари, шунингдек коррупцияга қарши курашиш бўйича таълим беришга масъул шахсларнинг малакасини ва касбий тайёргарлигини ошириш бўйича муассасаларда тааллуқли дастурларни жорий этиш; журналистларни тайёрлаш ўқув дастурларига | Ташкилий чора-тадбирлар | 2019 йил 1 августгача | Олий таълим вазирлиги (И. Маджидов), ХТВ (Ш. Шерматов), Бош прокуратура Академияси (Е. Коленко), Судьялар олий кенгаши қошидаги Судьялар олий мактаби (Х. Исоқов), ТДЮУ (Е. Канъязов), ИИБ Академияси (Б. Матлюбов), Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти (М. Рустамбаев) |

| | | | | |
|----|--|----------------------------------|-----------------------|---|
| | «Коррупцияга қарши журналист тергови» фанини киритиш. | | | |
| 5. | <p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасида илмий, тадқиқий ва эксперт салоҳиятини кучайтириш борасида чора-тадбирлар қабул қилиш, шу жумладан коррупцияга қарши курашишда чора-тадбирларни амалга оширишга масъул бўлган шахсларнинг билимларини ва касбий маҳоратини мунтазам равишда ошириш;</p> <p>мазкур соҳада сертификат олган экспертларнинг миллий жамоасини босқичма-босқич шакллантириш;</p> <p>илмий-методик материалларни ишлаб чиқишга хорижий экспертлар ва маслаҳатчиларни жалб этиш;</p> <p>коррупцияга қарши курашиш мавзуида магистратура йўналишлари бўйича ўқув дастурларини жорий этиш;</p> <p>миллий экспертларни коррупцияга қарши курашиш соҳаси бўйича Коррупцияга қарши курашиш халқаро академияси (КҚКХА) ва бошқа халқаро таълим муассасаларида ўқитиш.</p> | Ташкилий чора-тадбирлар | 2019 йил 1 июлгача | Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), ИИВ (<i>П. Бобожонов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), Олий таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), ТИВ (<i>А. Камилов</i>) |
| 6. | <p>Давлат органлари ва ташкилотларнинг масъул ходимлари томонидан ишга қабул қилинганидан сўнг ҳамда муайян вақт ўтганидан сўнг, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини мажбурий равишда ўташ тартибини жорий этиш.</p> | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2019 йил 1 сентябрдан | Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Олий таълим вазирлиги (<i>И. Маджидов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ДБА (<i>Х. Азизов</i>), ЖИДУ (<i>М. Бакоев</i>), ТДЮУ (<i>Е. Каньязов</i>), вазирлик ва идоралар |
| 7. | Коррупцияга қарши курашиш соҳасида, қуйидагиларни назарда | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 апрелгача | Идоралараро комиссия, «Ижтимоий фикр» маркази (<i>Р.</i> |

| | | | |
|--|-------------------------------|-----------------------------|--|
| <p>тутадиган тадқиқотларни ташкил қилиш, жумладан:</p> <p>содир этилаётган коррупцияга оид жинойтларнинг ўзига хос схемасини ўрганиш асосида коррупциянинг типологиясини тузиш;</p> <p>коррупцияга мойил бўлган соҳаларни аниқлаш асосида тармоқлар кесимида коррупцияга оид хариталарни тузиш;</p> <p>коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг шарт-шароитлари ва сабабларини ўрганиш, шунингдек уларни бартараф этиш таклифларини ишлаб чиқиш;</p> <p>коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинаётган чоратадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш;</p> <p>коррупцияга қарши курашиш соҳасида таълим ва тадқиқот муассасалари илмий ходимларига, шу жумладан, халқаро ташкилотлардан коррупцияга қарши курашиш соҳасида тадқиқотлар ўтказиш бўйича грантлар жалб қилиш орқали кўмаклашиш;</p> <p>коррупция даражаси, коррупцияни идрок этиш ва шахсий тажрибаси, шунингдек, давлат ҳокимияти институтларига ишонч ва коррупцияга қарши чораларнинг таъсири даражасини баҳолаш мақсадида жамоатчилик фикрини ўрганиш.</p> | | | <p><i>Убайдуллаева), ФЖШМҚМИ (Р. Камилов), «Ривожланиш стратегияси» маркази (Э. Туляков), Бош прокуратура Академияси (Е. Коленко) ТДЮУ (Е. Каньязов), ИИВ Академияси (Б. Матлюбов), Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти (М. Рустамбаев), ЖИДУ (М. Бакоев), вазирлик ва идоралар</i></p> |
| <p>8. Идоралараро комиссиясининг расмий веб-сайти асосида халқаро стандартларга мувофиқ зарур маълумотларни ўз ичига олган портални яратиш, шу жумладан:</p> | <p>Ташкилий чоратадбирлар</p> | <p>2019 йил 1 ноябргача</p> | <p>Идоралараро комиссия, ЛБМА (<i>Д. Ли</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиқов</i>), Молия</p> |

| | | | | |
|-----|---|-------------------------|----------------------|--|
| | <p>коррупцияга қарши тадбирлар ҳақида ҳисобот ва маълумотлар; коррупциянинг тарқалиши ва идрок этилиши ҳақида ижтимоий ва илмий тадқиқотлар натижалари; норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаси бўйича коррупцияга қарши экспертиза натижалари тўғрисида маълумот; коррупция жиноятлари, уларнинг тергов ва судда кўрилиши натижалари бўйича статистик маълумотлар; маълумот, методик ва ахборот материаллари; коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни муҳокама қилиш учун жамоатчилик билан қайта алоқа механизмлари, шунингдек жамоатчилик фикрини сўров қилиш натижалари.</p> | | | <p>вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), «Ижтимоий фикр» маркази (<i>Р. Убайдуллаева</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), Олий суд (<i>К. Камиров</i>), ССП (<i>А. Икромов</i>)</p> |
| 9. | <p>Коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида, шу жумладан халқаро экспертлар иштирокида семинарлар, «давра суҳбатлари» ва конференциялар ўтказишни назарда тутадиган халқаро мезонлар ва илғор чет эл тажрибаларини жорий этиш.</p> | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 апрелгача | Идоралараро комиссия |
| 10. | <p>Қуйидагилар ёрдамида, коррупцияга қарши курашиш чораларини ишлаб чиқиш ва бажариш жараёнида фуқаролик жамияти институтларини янада жалб қилишда мақсадли тадбирларини амалга ошириш: давлат органлари билан ўзаро муносабатлар ва қайта алоқани мустаҳкамлаш механизмларини кучайтириш; ижтимоий шериклик доирасида давлат органлари, шунингдек, жамоат кенгашлари</p> | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 апрелгача | Идоралараро комиссия, Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ФЖШМҚМИ (<i>Р. Камиров</i>), «Ривожланиш стратегияси» маркази (<i>Э. Туляков</i>), ЎзННТМА (<i>И. Насриев</i>), вазирлик ва идоралар |

| | | | | |
|--|---|----------------|------------------------|---|
| | фаолиятига фуқаролик жамияти институтларини жалб этишнинг шаффоф ва объектив мезонларига асосланган механизмларни белгилаш. | | | |
| II. Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш | | | | |
| 11. | Қуйидагиларни назарда тутувчи, «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш: бюджет жараёнининг ҳар бир босқичида ташқи ва ички молиявий назорат ҳамда аудитнинг вазифалари ва мақсадини бир-биридан ажратиш; низом жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда давлат молиявий назоратини амалга ошириш; молиявий, шу жумладан, коррупцияга оид жиноятларни ўз вақтида аниқлаш. | Қонун лойиҳаси | 2019 йил 1 сентябргача | Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Ҳисоб палатаси (<i>О. Рустамов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Хўжаев</i>), ЛБМА (<i>Д. Ли</i>), Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>А. Хайдаров</i>), Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (<i>А. Назиров</i>) |
| 12. | Идоралар фаолиятининг молиявий натижаларини очиқ берадиган, ички ҳамда ташқи аудит соҳасини белгилаш йўли орқали амалга оширилаётган назоратнинг самараси ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан ички назорат ва ички аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатини белгилайдиган, давлат бошқаруви тизими ривожланиши, прогнозлаш ва стратегик режалаштиришга оид хуфиёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши чораларни ошкор этишни таъминлайдиган механизмларни жорий этишни назарда тутадиган «Давлат ички назорати ва ички аудити тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Қонун лойиҳаси | 2019 йил 1 сентябргача | Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Ҳисоб палатаси (<i>О. Рустамов</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Хўжаев</i>), Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), ЛБМА (<i>Д. Ли</i>), Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>А. Хайдаров</i>), Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент (<i>Д. Рахимов</i>) |
| 13. | Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чора- | Қонун лойиҳаси | 2019 йил 1 сентябргача | Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш фаолиятини |

| | | | |
|--|-----------------------|-----------------------------|--|
| | | | <p>мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши (И. Абдуллаев)</p> |
| <p>14. Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш: барча давлат харидлари субъектларини босқичма-босқич қамраб олиш бўйича чоралар кўриш; харид (ISO 20400) ва коррупцияга қарши курашиш (ISO 37001) стандартлари бўйича компанияларни сертификатлаштириш тизимини жорий этиш; давлат харидлари соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш; аффилланган шахсларнинг харидларда қатнашишларига чекловлар белгилаш; барча давлат тендерларини қамраб олиш учун маҳсулот етказиб берувчиларнинг ҳамма фойдалана оладиган ягона реестрини юритиш;</p> | <p>Қонун лойиҳаси</p> | <p>2019 йил 1 ноябргача</p> | <p>Молия вазирлиги (Т. Ишметов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б. Хўжаев), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н. Шарипов), «Ўзстандарт» агентлиги (Д. Самтаров), вазирлик ва идоралар</p> |

| | | | | |
|-----|--|----------------------|------------------------|--|
| | <p>давлат харидлари бўйича ахборотнинг ошкоралиги ва эркинлигини ошириш; харид жараёнида бюрократик ва субъектив омилларни минималлаштириш; натижаларни статистик таҳлил қилиш, шунингдек, харид тартибининг барча зарур параметрлари бўйича ягона маълумотлар базасини ташкил қилиш.</p> | | | |
| 15. | <p>Ахборот технологиялари ва коммуникацияларидан фойдаланиш орқали судьяларни очик, ошкора танлаш ва тайинлаш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан: танлов натижаларини оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг веб-сайтида эълон қилиш; судьялар аниқ ифода этилган ошкора мезон ва тартиблар асосида баҳоланишини таъминлаш.</p> | Қонун лойиҳаси | 2019 йил 1 декабр гача | Судьялар олий кенгаши (У. Мингбоев), Олий суд (К. Камиров) |
| 16. | <p>Суд тизимида коррупцияга қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш, шу жумладан: судьялар малака ҳайъатлари котибларининг ролини ошириш, шу жумладан уларга коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш вазифасини юклаш; судьялар малака ҳайъатлари котибларининг Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича Суд инспекцияси билан самарали ҳамкорлик қилиш, шунингдек, уларнинг Кенгашга ҳисобдорлиги механизмларини яратиш;</p> | Қўшма қарор лойиҳаси | 2019 йил 15 июн гача | Судьялар олий кенгаши (У. Мингбоев), Олий суд (К. Камиров) |

| | | | | |
|-----|---|---|-----------------------|---|
| | <p>судьялар ва суд ходимлари ўртасида профилактик ва тушунтириш ишларини мунтазам равишда олиб бориш; одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралаштириш фактлари бўйича судьяларнинг Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг Суд инспекциясига аноним тарзда мурожаат қилиш тартибини жорий этиш; коррупциянинг келиб чиқиш сабабларини тизимли ва чуқур таҳлил қилишни ва уларнинг олдини олишни таъминлаш.</p> | | | |
| 17. | <p>«Прокуратура органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, шу жумладан: прокуратура органлари ва муассасаларида хизмат қилиш учун институционал механизмларни мустаҳкамлаш; кадрларни шаффоф танловлар асосида саралаб олишнинг мутлақо янги механизмини жорий этиш; манфаатлар тўқнашувини олдини олиш ва бартараф қилиш.</p> | Қонун лойиҳаси | 2019 йил 1 декабргача | Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиқов</i>) |
| 18. | <p>Коррупция ва солиқ таваккалчилигини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни назарда тутган ҳолда, ўрта муддатли ва узоқ муддатли даврда солиқ хизматини стратегик бошқариш механизмларини жорий этиш.</p> | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2019 йил 1 декабргача | ДСҚ (<i>Б. Мусаев</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>), Меҳнат вазирлиги (<i>Ш. Кудбиев</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Хўжаев</i>), Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>) |
| 19. | <p>Қуйидаги чораларни амалга ошириш орқали коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш, бунда: қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш, уларда коррупцияга шароит яратадиган қоида ва нормаларни аниқлаш;</p> | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Кенгашлари қўшма қарори лойиҳаси | 2019 йил 1 октябргача | Олий Мажлис палаталари — келишиш асосида (<i>Н. Исмаилов, Н. Йўлдашев</i>) |

| | | | |
|--|---------------------------|-----------------------------|--|
| | | | |
| <p>барча даражадаги давлат органлари раҳбарларининг маълумотларини эшитиш; давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли равишда ўрганиш; коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат органлари томонидан амалга ошириладиган идоравий чоралар самарадорлигини баҳолаш; коррупцияга қарши курашиш соҳасида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.</p> | <p>Идоравий ҳужжатлар</p> | <p>2019 йил 1 ноябргача</p> | <p>Идоралараро комиссия, Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), вазирлик ва идоралар</p> |

| | | | | |
|---|--|--|-----------------------|--|
| | назорат механизмларини кучайтириш. | | | |
| 21. | Устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш чораларини кучайтириш, жумладан: коррупцияга қарши курашиш «комплаенс назорат» (compliance control) тизимини жорий этиш ва унинг самарадорлигини мониторинг қилиш; коррупцияга қарши курашиш тегишли коррупцион стандарти (ISO 37001)га мувофиқ сертификатлаштириш тартибини ўрнатиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2020 йил 1 апрелгача | Давлат активларини бошқариш агентлиги (<i>А. Хайдаров</i>), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (<i>Н. Шарипов</i>), Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги (<i>А. Назиров</i>), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б. Хўжаев</i>), «Ўзстандарт» агентлиги (<i>Д. Саттаров</i>) |
| 22. | Коррупцияга қарши махсус тадбирларни хусусий секторга жорий этишга фаол қўмаклашиш, унда қуйидагиларни назарда туғувчи чораларни қўриш: ички назорат чоралари ва тартиб-таомилларини кучайтириш; давлат харидларида иштирок этиш бўйича қатъий ахлоқ қоидаларини таъминлаш; бизнеснинг коррупцияга қарши курашишдаги жамоавий тадбирларини рағбатлантириш. | Ўзбекистон бизнесининг Коррупцияга қарши курашиш хартиясининг лойиҳаси | 2019 йил 1 октябргача | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (<i>Д. Косимов</i>), Савдо-саноат палатаси (<i>А. Икрамов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>) |
| III. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, имконият яратувчи сабаблар, шарт-шароитлар ва оқибатларини бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш | | | | |
| 23. | Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида давлат органларига ахборот бериш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан: фуқароларга коррупция фактлари тўғрисида давлат органларини хабардор қилиш имконини берувчи мобил ва бошқа иловаларни ишлаб чиқиш; коррупция фактлари ҳақида аноним хабарларни ўрганиш имкониятлари. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2019 йил 1 декабргача | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (<i>Ш. Садиқов</i>), ЛБМА (<i>Д. Ли</i>), Идоралараро комиссия |

| | | | | |
|-----|--|--|------------------------|---|
| 24. | <p>Давлат органлари билан жамоатчилик ўртасидаги муносабатлар сифатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ишонч телефонлари ва Call-марказлари («тезкор алоқа линиялари») иш самарадорлиги мониторингини таъминлаш, унинг натижаларини мунтазам нашр этиш.</p> | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 апрелгача | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К. Алламжонов), ЛБМА (Д. Ли), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш. Садиқов), Бош прокуратура (О. Муродов), вазирлик ва идоралар |
| 25. | <p>Коррупция билан боғлиқ жиноятлар ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.</p> | Қонун лойиҳаси | 2020 йил 1 сентябргача | Олий суд (К. Камилов), Бош прокуратура (О. Муродов), ИИВ (П. Бобожонов) |
| 26. | <p>Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, шу жумладан:</p> <p>тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашганлиги, ноқонуний ҳаракатлар қилганлиги, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини чеклашга ёки уларни тўхтатишга сабаб бўлган асосиз ва ноқонуний ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш;</p> <p>тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини янада ҳимоя қилиш масалаларида жамоатчилик назорати механизмлари жорий этилишини таъминлаш.</p> | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2019 йил 1 октябргача | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (Д. Қосимов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ССП (А. Икрамов) |
| 27. | <p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларини ва судьяларни тайёрлаш бўйича амалий чораларни куйидагилар орқали такомиллаштириш:</p> | Ташкилий чора-тадбирлар (ўқув дастурлари, модулар, масофавий курсларни ишлаб чиқиш, тренинглари, «давра суҳбатлари») | 2019 йил 1 ноябргача | Бош прокуратура Академияси (Е. Коленко), Судьялар олий кенгаши қошидаги Судьялар олий мактаби (Х. Исоқов), ТДЮУ (Е. Каньязов), ИИВ |

| | | | | |
|--|--|--|-------------------------------|---|
| | <p>коррупцияга қарши курашишнинг замонавий воситалари ва усулларидан фойдаланиш;</p> <p>коррупция жиноятларини аниқлаш, тергов қилиш ва судда кўриб чиқиш;</p> <p>мураккаб молиявий жиноятларни тергов қилиш, жиноий даромадларни легаллаштириш соҳасидаги ишларни самарали суриштириш;</p> <p>малака ошириш жараёнига халқаро ташкилотлар ва хорижий экспертларни жалб қилиш.</p> | <p>ва бошқаларни ташкиллаштириш)</p> | | <p>Академияси (Б. Матлюбов)</p> |
| 28. | <p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасида янги хавф-хатар ва таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг техник жиҳозланишини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш</p> | <p>Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси</p> | <p>2020 йил 1 июлгача</p> | <p>Бош прокуратура (О. Муродов), ИИБ (П. Бобожонов), ДХХ (А. Азизов), ДБК (М. Азимов), ДСК (Б. Мусаев), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), Молия вазирлиги (Т. Ишметов)</p> |
| IV. Коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик | | | | |
| 29. | <p>Коррупцияга қарши курашиш соҳасида меъёрий ва ташкилий-амалий базани такомиллаштириш жараёнига халқаро ташкилотлар (БМТ НЖҚКБ, БМТТД, ИХТТ, ЕХХТ, ШХТ, ЕОГ ва бошқалар)ни жалб қилиш.</p> | <p>Ташкилий чора-тадбирлар</p> | <p>2019 йил 1 декабргача</p> | <p>ТИВ (А. Камиров), Бош прокуратура (О. Муродов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ИИБ (П. Бобожонов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (К. Алламжонов)</p> |
| 30. | <p>ИХТТнинг тавсияларини бажариш бўйича ҳар томонлама ва самарали чоралар кўриш.</p> | <p>ИХТТнинг тавсияларини бажариш бўйича «Йўл харитаси»</p> | <p>2019 йил 1 июлгача</p> | <p>Идоралараро комиссия</p> |
| 31. | <p>Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси мониторинги 2-босқичига тайёргарлик кўриш ва тегишли ташкилий чораларни қабул қилиш</p> | <p>Ташкилий чора-тадбирлар</p> | <p>2019 йил 1 декабргача</p> | <p>Бош прокуратура (О. Муродов), Адлия вазирлиги (Р. Давлетов), ТИВ (А. Камиров)</p> |
| 32. | <p>Коррупцияга қарши курашишга бағишланган халқаро форумни ўтказиш ва</p> | <p>Ташкилий чора-тадбирлар</p> | <p>2019 йил 15 декабргача</p> | <p>Бош прокуратура (О. Муродов), ИИБ (П. Бобожонов), Адлия</p> |

| | | | | |
|-----|---|-------------------------|-----------------------|---|
| | унда ушбу соҳадаги етук хорижий мутахассисларни жалб қилиш масаласини кўриб чиқиш. | | | вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ТИВ (<i>А. Камиров</i>) |
| 33. | Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг аудиторлик халқаро ташкилотлари олий органлари (INTOSAI, ASOSAI и ECOSAI)га қўшилиши ва хорижий давлатларнинг юқори даражадаги аудиторлик органлари ва етакчи халқаро ташкилотлар билан алоқалар ўрнатиши бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2019 йил 1 декабргача | Ҳисоб палатаси (<i>О. Рустамов</i>), ТИВ (<i>А. Камиров</i>), Молия вазирлиги (<i>Т. Ишметов</i>) |
| 34. | Хорижий оммавий ахборот воситаларида давлат ва жамиятнинг коррупцияга қарши курашишдаги принципиал позицияси тўғрисида хорижий давлатлар, инвесторлар ва фуқароларнинг тушунчасини яхшилашга қаратилган коррупцияга қарши курашиш бўйича республикамиз томонидан қабул қилинган чоралар тўғрисида махсус материаллар ёритилишини ташкил этиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2020 йил 1 январгача | ТИВ (<i>А. Камиров</i>), Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>), ИИВ (<i>П. Бобожонов</i>) |
| 35. | Қуйидаги халқаро шартномаларга қўшилиш масаласини кўриб чиқиш: Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш ҳамда терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш Европа Кенгаши Конвенцияси (Варшава ш., 2005 йил 16 май); Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги МДҲнинг Кишинев конвенцияси (Кишинёв ш., 2002 йил 7 октябрь). | Таҳлилий материаллар | 2019 йил 1 июлгача | Бош прокуратура (<i>О. Муродов</i>), ТИВ (<i>А. Камиров</i>), Адлия вазирлиги (<i>Р. Давлетов</i>) |

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси

ТАРКИБИ

Олдинги таҳрирга қаранг.

1. Н.Т. Йўлдошев — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Комиссия раиси
2. У.К. Мингбоев — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси
3. К.Ф. Камилов — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси
5. Б.А. Рашидов — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг ўринбосари
6. Р.К. Давлетов — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири
7. П.Р. Бобожонов — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири
8. Т.С. Абдусаттаров — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг кўмита раиси
9. Б.Д. Матмуратов — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмита раиси
10. А.Ж. Ходжиметов — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари
11. О.Б. Рустамов — Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари
12. Р.Т. Камилов — Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори
13. У.Н. Мухаммадиев — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)
14. Д.С. Қосимов — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил
15. А.Х. Саидов — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори
16. А.Э. Бурҳонов — «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати раиси
17. Э.С. Туляков — «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори
18. Ш.С. Жавлонов — Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раиси
19. А.З. Саъдуллаев — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари
20. И.И. Насриев — Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси
21. Ф.Ф. Абдуҳолиқов — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси
22. Р.А. Убайдуллаева — «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори
23. Г.М. Маруфова — Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раисининг ўринбосари
24. Қ.М. Рафиқов — Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси
25. Б.С. Юлдашев — Ўзбекистон Фанлар академияси президенти

26. Ш.И. Жалилов — Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши раиси
27. А.К. Эрназаров — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси
28. С.Ҳ. Ҳакимов — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг раиси
29. А.И. Икромов — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси
30. Б.А. Хўжаев — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири
31. А.Ҳ. Камиллов — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири
32. Ш.Д. Кудбиев — Ўзбекистон Республикаси бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири
33. И.У. Мажидов — Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири
34. Ш.Х. Шерматов — Ўзбекистон Республикаси халқ таълим вазири
35. А.В. Шин — Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазири
36. Ш.М. Садиқов — Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири
37. А.Қ. Шадманов — Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири
38. Т.А. Ишметов — Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг биринчи ўринбосари
39. Е.С. Канъязов — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг ўринбосари — Тошкент давлат юридик университети ректори
40. М.Б. Азимов — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси
41. Б.А. Мусаев — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси
42. Б.А. Бегалов — Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси
43. Н.Ш. Шарипов — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси раиси
44. Д.Ф. Рахимов — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бошлиғи
45. А.Д. Хаджаев — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи
46. А.К. Кўчимов — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори
47. Х.Т. Азизов — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг биринчи проректори
48. Е.В. Коленко — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси бошлиғи

Изоҳ: Комиссиянинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади.

(2-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июлдаги ПФ-5769-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармониغا
3-ИЛОВА

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия

ТАРКИБИ

Олдинги таҳрирга қаранг.

1. З.Ш. Низомиддинов — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, Комиссия раҳбари

2. В.В. Махмудов — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби
3. Б.М. Мавлонов — Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари
4. А.А. Азизов — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси
5. У.К. Мингбоев — Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси
6. К.Ф. Камиллов — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси
7. Н.Т. Йўлдошев — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори
8. Б.А. Шаякубов — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари
9. Н.М. Рустамбеков — Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари
10. Р.К. Давлетов — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири
11. П.Р. Бобожонов — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири
12. М.Б. Азимов — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси
13. Б.А. Мусаев — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

Изоҳ. Махсус комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар киритилади.

(3-илова Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 июлдаги ПФ-5769-сонли Фармони таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон)

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.05.2019 й., 06/19/5729/3199-сон, 20.07.2019 й., 06/19/5769/3450-сон)